

**Коракул шахридаги “Коракулдонмахсулотлари”
акциядорлик жамиятининг 2016 йилдаги молиявий-
хужалик фаолияти буйича утказилган аудиторлик
текширув натижалари тугрисида ижобий аудиторлик**

Х У Л О С А С И

2017 йил 24 март

Бухоро ш.

Бухоро вилоят МЧЖШ “Прогресс аудит” аудиторлик ташкилотига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 7-октябр 2013-йилдаги 351 ракамли гувоҳнома аудиторлик фаолияти учун, ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2016 йил 22-апрелдаги 00310-сонли лицензияга асосан аудиторлик текшириш утказиш ҳуқуқи берилган.

2017-йил 5 март кундаги № 1/143- сонли 2 томонлама “Коракулдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти ва МЧЖШ “Прогресс аудит” томонидан тузилган шартномага мувофиқ “Коракулдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2016-йил 1-январидан 31- декабрга қадар бўлган давр учун аудиторлик текшириш утказилди.

Аудиторлик текширувидан утказиладиган молиявий ҳисоботларнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун ҳужалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот буйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМС га мувофиқ утқаздик. Ушбу стандартлар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бўзилишларга эга эмаслигига етарлича ишончбилан таъминлашимиз кераклигини такозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молия ҳисоботи ҳамда бошқа молиявий ахборотларнинг қонун ҳужжатларига шунингдек молия-ҳужалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан утқазилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарли асослар беради деб уйлаймиз.

Бизнинг фикримизча ҳужалик юритувчи субъект “Коракулдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти молиявий ҳолати барқарор, унинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ахволини ҳаққоний ақс эттиради ва мазкур ҳужалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-ҳужалик операциялари Ўзбекистон Республикаси меърий ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ “Прогресс Аудит” аудиторлик

Ташкилоти раҳбари:



Хаитов С.С.